

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси



Бугун Қумқўрғон туманида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бўйича кўчат экиш мавсумига старт берилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ташкил этилган семинарда туман ҳокими Анвар Нормаматов, сектор раҳбарлари, фермерлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Кўчат экиш мавсуми бошланиши муносабати билан дала четига 500 дан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Мазкур лойиҳа доирасида туманда 485 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш режалаштирилган.